

"Urganch yog'-moу" АЖ акциядорлари диққатига!

Хурматли акциядорлар, "Urganch yog'-moу" АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 03.10.2016 й. соат 10:00 да, Урганч ш., И.Дўсов кўчаси, 2 уйда ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламиз.

Кун тартиби:

- I. "Urganch yog'-moу" АЖ устав фондини қўшимча акциялар чиқариш орқали кўпайтириш тўғрисида.
- II. Жамиятнинг қўшимча чиқарилиш акцияларини олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик масаласини кўриб чиқиш тўғрисида.
- III. "Urganch yog'-moу" АЖ акциялари қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш тўғрисида.
- IV. Жамият ижроия органининг аффилиланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш ва уларнинг тузилишини маъқуллаш тўғрисида.
- V. "Urganch yog'-moу" АЖнинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.
- VI. "Urganch yog'-moу" АЖнинг 5-йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.
- VII. Жамиятнинг бошқарув тузилмасига ўзгартириш киритиш тўғрисида.
- VIII. Жамият уставига айрим ўзгартиришларни киритиш тўғрисида.
- IX. Жамият кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш тўғрисида.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 29 сентябрь ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин:

Урганч шаҳри, И.Дўсов кўчаси, 2 уй

e-mail: info@urganchyog.uz, urganchoil@umail.uz

Тел: 0 (362) 224-57-58

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.